
	Индорама Агро МЧЖ	Хужжат №	E.02 IMS P-1
		Нашр № ва Сана	Ver. 1 05.09.2022
		Текш.№ ва Сана	
		Амалга кириш санаси	16.09.2022
		Саҳифа	Page 1 of 1
Атроф-муҳит ва Иқлим ўзгариши сиёсати			

Биз атроф-муҳитга таъсирни минималлаштириш ва иқлимга таъсиримизни камайтириш мақсадида бизнесимизнинг ажралмас қисми сифатида атроф-муҳитни самарали бошқариш мажбуриятини олганмиз.

Биз қуйидагиларга амал қиламиз:

- Амалдаги миллий, ҳудудий ва маҳаллий миқёсдаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига ва халқаро саноатдаги илғор тажрибаларга риоя қилиш;
- Бизнеснинг мажбуриятларимиз ва фикрларимизга мос келадиган атроф-муҳитни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш ва илғор халқаро саноат тажрибасига мувофиқ бўлиш;
- Аниқ ва ўлчанадиган мақсад ва вазифаларни белгилаш ҳамда доимий такомиллаштиришни таъминлаш мақсадида компания фаолияти давомида самарадорликни ўлчаш, баҳолаш ва яхшилаш механизмларини жорий этиш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш;
- Атроф-муҳитга ва жамиятга таъсир қилишнинг олдини олиш, камайтириш ёки юмшатиш, ва агар иложи бўлса, тегишли манфаатдор томонлар билан фаол ҳамкорликда атроф-муҳит шароитларини ривожлантириш ва яхшилаш;
- Сув, энергия, материаллар, хавфли кимёвий моддалар ва бошқа ресурслар сарфини минималлаштириш ҳамда тупроқ ва зараркунандаларга қарши курашиш бўйича самарали чоралар кўриш;
- Атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар ва таъсирларни камайтириш учун чиқиндиларни қайта тиклаш, қайта ишлаш, қайта ишлатиш ва камайтириш;
- Сақлаш жойлари ва бошқа биноларни ўрнатилган тартиблар, амалдаги қонунлар ва қоидаларга мувофиқ ҳамда илғор халқаро саноат амалиётига мувофиқ лойиҳалаш, қуриш, ишлатиш;
- Жараёни такомиллаштириш, экологик тоза ва энергия тежайдиган технологияларни қўллаш орқали табиий ресурсларни тежаш;
- Бизнесимиздаги биологик хилма-хилликка таъсир қилувчи хатарларини минималлаштириш ва юмшатиш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлашни лойиҳанинг бутун фаолияти давомида бизнес эҳтиёжлари билан бирлаштириш;
- Иқлим билан боғлиқ хавф-хатарларимизни баҳолаш ва уларни юмшатиш ва мослашиш чораларини кўриш;
- Компания ва миллий талабларга мувофиқ иссиқхона газ чиқиндиларини камайтириш ва углеродни камайтириш воситаларига эришиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Харид қилиш жараёнларимизда тегишли экологик талабларни жорий этиш ва қадриятларимиз, истақларимиз, мақсадларимиз, мажбуриятларимиз ва атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришига мувофиқлигини таъминлаш учун манфаатдор томонларимиз билан фаол ҳамкорлик қилиш;
- Атроф муҳит масаларига оид бўлган маълумотларни ва эгалланган билимларни аниқлик, шаффофлик ва тиришқоқлик билан жамиятдагилар ва манфаатдор томонларга етказиш;
- Ходимларимиз, хизмат кўрсатувчи шартномачиларимиз ва етказиб берувчиларимиз ўртасида атроф-муҳитга масъулият билан муносабатда бўлиш учун уларни ўргатиш, таълим бериш ва хабардорлигини ошириш.

“Индорама Агро” ушбу сиёсатни амалга татбиқ этади ва чора-тадбир ишлаб чиқади ва вақти-вақти билан ривожланиши ва кўрсаткичлари ҳақида хабар беради. Ушбу сиёсат ҳар 2 йилда кўриб чиқилади.

Тайерлаган:	Лавозим: - ХСЭ Бўлим Бошлиғи	Сана: 15.09.2022	Имзо: 
Текширган:	Лавозим: - Бош Бошқарувчи Раҳбар	Сана: 15.09.2022	Имзо:
Тасдиқлаган:	Лавозим: - Бош директор	Сана: 15.09.2022	Имзо: 